	<b>Индорама Агро</b>	Хужжат №	H.01.F1-P2/D001
		Хужжат санаси	05.06.2021
	Инсон ҳуқуқлари сиёсати	Қайта кўриб чиқилган санаси	
		Амалга ошириш санаси	05.06.2021
		Саҳифа рақами	1/2 саҳифа
<b>ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СИЁСАТИ</b>			

**Фаолият кўлами:**

Ушбу Ходимлар Ҳуқуқлари Сиёсати “Индорама Агро” МЧЖ шаклидаги ХКнинг барча ходимлари ва Директорлар Кенгаши ва ўзининг бевосита ва билвосита шўба корхоналари учун ишлатилади. Ушбу ҳужжатдаги “Индорама”, ёки “Компания” ёки “Биз” деган иборалар “Индорама Агро” МЧЖ шаклидаги ХКнинг бутунлигини билдиради.

Ушбу сиёсатда келтирилган бирор бир қоидалар маҳаллий қонунлар, бирор бир корхонанинг қонун қоидалари билан зид келса, ва ушбу қоидаларни яроқсиз ёки кучсиз қилса, маҳаллий қонунлар, қонун қоидалар устувор бўлади.

**Йўриқномалар:**

Индорама барча инсон ҳуқуқлари жуда ҳам ҳурмат қилинишига ишонади. Биз инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва унинг тегишли пактларида, Қуфаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ўз ифодасини топган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тарафдоримиз. Биз инсон ҳуқуқларини поймол қилинишини олдини оламиз ва бизнес юритаётган мамлакатлар қонунларига риоя қиламиз.

**Инсон Ҳуқуқларини ҳимоя қилиш:**

Биз ўзимизнинг барча ходимларимиз ва барча бошқа акциядорларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиламиз ва ҳеч кимни мафкуравий қарашлари, ирқи, ранги, дини, жинси, жинсий келиб чиқиши, миллати, ёши, ногиронлиги ёки инсон ҳуқуқи сифатида қараладиган ҳар қандай мақомига кўра камситмаймиз. Биз ўз фаолиятимиз давомида оқилона ва инклюзив амалиётларни қўллаймиз ҳамда нотўғри қараш, камситиш, зўравонлик ва таъқибни йўқ қилишга интиламиз.

**Ходимларга нисбатан адолатли муносабат:**

Биз барча ходимларга ўта адолат ва ҳалоллик билан муносабатда бўламиз. Биз барча ходимлар бошқаларга эътиборли бўладиган ва ҳар бир киши ҳар куни ўзаро муносабатларда адолат ва ҳурмат кўрсатадиган иш жойини қадрлаймиз. Адолатли муносабат ва самимий мулоқот ҳамкасбларга янги ғояларни жорий қилиш, ҳозирги фикрларга конструктив тарзда қаршилик кўрсатиш ва бошқалар уларнинг қўшган ҳиссаларини қадрлашни билган ҳолда ишлаш учун қулайлик беради.

**Ишга қабул қилиш:**

Ишга қабул қилиш жараёни ҳар доим барча номзодлар учун тўлиқ адолат, тенглик ва изчиллик билан амалга оширилади. Ишга қабул қилиш жараёни инклюзив тарзда амалга оширилади ва биз муносиб номзодларни ишга жойлаштиришда ҳеч қандай тўсиқлар йўқлигини таъминлашга ҳаракат қиламиз.

Тайёрлади:	Лавозими: - Кадрлар бўлими менеджери	Сана: 05.06.2021	Имзо: 
Текширди:	Лавозими: - Кадрлар бўлими директори	Сана: 05.06.2021	Имзо: 
Тасдиқлади:	Лавозими: - Бош Директор	Сана: 05.06.2021	Имзо: 

**Болалар меҳнати:**

Биз болалар меҳнати ёки мажбурий меҳнат тарафдори эмасмиз ёки ходимларни ортиқча соат ишлашга мажбурламаймиз. Агар иш жойи ёш, соат, компенсация, соғлиқ ва хавфсизликка доир барча тегишли қонунлар ва қоидаларга мос келмаса биз ҳеч кимни ишга қабул қилмаймиз.

**Интизомий масалалар:**



Биз жисмоний жазо, руҳий ёки жисмоний мажбурлаш ёки оғзаки ҳақоратлашдан фойдаланмаймиз.

**Ходимларнинг масъулияти:**

Барча ходимлар ўзларининг кундалик фаолиятларида ушбу сиёсатни амалиётда қўллаш учун шахсий масъулиятни ўз зиммаларига олганлар ва ҳар доим сиёсатга риоя қилишлари керак. Ушбу сиёсатга риоя қилмасликка жиддий қаралади ва тегишли чора кўрилади.

**Шикоятларни кўриб чиқиш тартиблари:**

Бизда шикоятларни кўриб чиқиш тартиблари мавжуд бўлиб, унда ходимлар ўзларининг шахсий ва ишга тегишли муаммоларини кўтаришлари мумкин. Безорилик, камситиш, таъқиб қилиш ёки қурбон бўлиш юзасидан шикоят қилиш учун асослари бор деб ҳисобланган ҳар қандай ходим шикоятларни кўриб чиқиш тартиб қоидаларимиз орқали шикоятлари кўриб чиқиши ҳуқуқига эга.

Тайёрлади:	Лавозими: - Кадрлар бўлими менеждери	Сана: 05.06.2021	Имзо: 
Текширди:	Лавозими: - Кадрлар бўлими директори	Сана: 05.06.2021	Имзо: 
Тасдиқлади:	Лавозими: - Бош Директор	Сана: 05.06.2021	Имзо: 